

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фаргона вилоят ҳокимлиги

"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" директори

Ҳ.Долимов

2022й "

**ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РУЙХАТИ**

Қўштепа тумани "Шодлик" МФЙдаги 24-мактаб филиали реконструкция

2022 йил Манзилли дастурига асосан

1 Бўлим.Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1.Объектлар номи ва манзили	Қўштепа тумани "Шодлик" МФЙдаги 24-мактаб филиали реконструкция	
2.Соҳа	ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ	
3.Инвестор		
4.Буюртмачи	"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"	
5.Ишлаб чиқувчи:		
5.1. ТИА		
5.2. ЛСЖ ва/ёки ТЖ	"Farg'onaloyiha" MCHJ	
5.3.Экспертиза	"Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти	
6.Пудратчи	"TERMO SERVIS INTEL" XK	
7.Молиялаштириш манбаси	Давлат бюджети	
8.Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	2022-2022	
9.Қурилишнинг асосий кўрсаткичлар	Объектнинг умумий қиймати	01.01.2022й ҳолатига қолдиқ
Лойиҳа қуввати (тегишли бирликлар бўйича)	120	120
Асосий фондлар	1676,765	1676,765
Капитал қўйилмалар	1676,765	1676,765
Қурилиш - монтаж ишлари	1607,145	1607,145
Жихоз		
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	53,549	53,549
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	16,071	16,071

2022 йил тасдиқланган манзилли дастурига асосан ажратилган лимит

жорий нархда
млн.сўм

Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)

120

Асосий фондлар

1676,765

Капитал қўйилмалар

1596,408

Қурилиш - монтаж ишлари

1526,788

Жихозлаш

Буюртмачи бошқа ҳаражатлари

53,549

Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари

16,071

2 Бўлим. 2022 йил чораклар кесимида
ажратилган лимит

(жорий нархда, млн.сўм)

	ЖАМИ	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	120			120	
Асосий фондлар	1676,765			1676,765	
Капитал қўйилмалар	1596,408		310,692	1181,070	104,646
Қурилиш - монтаж ишлари	1526,788		241,072	1181,070	104,646
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	53,549		53,549		
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	16,071		16,071		

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

(буюртмачи тўлдиради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2022й 14.03. 40-сон баёни ва 2022 йил Манзиллий Дастурига асосан
(инстанциянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)

2. Лойиҳанинг экспертиза ҳулосаси 42214-сон 17.05.2022й
(ҳулосанинг рақами ва санаси)

3. ТИА (ЛСЖ) тасдиқланган Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан
(ТИА (ЛСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)

4. Қачон тендер (танлов) ўтказилди Лот №94683 94683-сон 05.06.2022й
(санаси)

5. Тендер (танлов) ёлиби "TERMO SERVIS INTEL" ХК
(Қурилиш пудрат ташкилоти номи)

6. Шартнома 07.06.2022й №138 1 607,145 млн.сўм.
(№, дата, сумма)

7. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш рухсатнома
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)

8. Тендерсиз лойиҳани амалга ошириш рухсатномаси
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)


9. Лойиҳанинг қисқача маълумот ва мақсади
Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2021й 12.04. 36-сон баёнига
4-сон иловадаги қўшимча объектлар

10. Молиялаштириш схемаси пул ўтказиш

11. Импортга талаб ташкил этади
- жиҳозлар сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол. шу жумладан:
- хом ашё сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- бажарилган иш ва хизматлар _____ млн. АҚШ дол.;
- чет эл кредитини қоплашга _____ млн. АҚШ дол.

БУЮРТМАЧИ

Директор ўринбосари





"Termo Servis Intel" ХК

И.Комилов

Раҳбари

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Termo Servis Intel» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари И.Комилов иккинчи томондан «Қўштепа тумани Лангар МФЙ Миробод кўчасида жойлашган ХТМФМТТЕВ тасарруфидаги 24-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Қўштепа тумани Лангар МФЙ Миробод кўчасида жойлашган ХТМФМТТЕВ тасарруфидаги 24-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш» объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-94683 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 5 июнь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 607 144 223 (бир миллиард олти юз етти миллион бир юз қирқ тўрт минг икки юз йигирма уч) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5.Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидан 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш; - иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш; Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш; қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш; мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдони қуриқлианишини таъминлаш; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи хайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулжий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10.Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 88 кунни ташкил этади ва объект 2022 йил 3-сентябр да фойдаланишга топширилади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказида, бу 241 071 633 x 2 = 482 143 266 (тўрт юз саксон икки миллион бир юз қирқ уч минг икки юз олти миң олти) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш ҳаваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектка камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтатилганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва ҳаваалига биноан объекта ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектада ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқча тупроқ ва қурилиш асосини қурилиш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва ҳаваалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40.Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

48.Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49.Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1_ йил этиб белгиланади.

50.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51.Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

52.Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; - Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53.Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

56.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

62.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслиқ;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойлиқлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилад.

XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2023 йил 31 декабр гача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“Termo Servis Intel” хусусий корхонаси

Манзил: Фарғона шаҳар, Куvasой кўчаси 107-уй

х/р: 20208000404569244001

Банк номи: “Мададинвестбанк” Фарғона

бўлими

Тел: 97-413-70

МФО: 01142

Рахбар:

И. Комбаров



“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шғх: 1000 0186 0304 0110 965 210 750 09

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

ЯҲҲ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00013 Ҳазначилик бўлини масининг

СТИР: 204 816 336

Рахбар: Х. Долимов



Ҳуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт

М.М. Маматқулов

Ҳуқуқий хулоса

Буюртмачи вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва пудратчи “Termo Servis Intel” хусусий корхонаси ўртасида тузилган 2022 йил 15 кунги 108-сонли пудрат шартномада “Қўштепа тумани Лангар МФЙ Миробод кўчасида жойлашган ҚМФМТТЕВ тасарруфидagi 24-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкция қилиш” ишларини бажариш белгиланган шартномани Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи

М.у.



МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

давлат маблағ ҳисобидан

Қўштепа тумани "Шодлик" МФЙдаги 24-мактаб филиали реконструкция

млн.сум.

	Молиялаштириш шартлари	2022 йил												2022 йил	2023 йил	Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь			
1	<u>Шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматидан 30% аванс</u>						241,072	241,072						482,144		482,144
2	<u>Жорий молиялаштириш берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда</u>							156,696	522,322	260,980	104,646			1 044,644		1 044,644
	Ж А М И						241,072	397,768	522,322	260,980	104,646			1 526,788		1 526,788
3	<u>5% кафолат суммаси</u>														80,357	80,357
	ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА						241,072	397,768	522,322	260,980	104,646			1 526,788	80,357	1 607,145



ПУДРАТЧИ:



БҮЮРТМАЧИ:

ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ на 2022 год

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ КУШТЕПА ТУМАНИ ЛАНГАР МФЙ МИРОБОД КУЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН ХТМФМТТЕБ ТАСАРРУФИДАГИ 24-УМУМИЙ УРТА
ТАЪЛИМ МАКТАБИ ФИЛИАЛИНИ ПЕКОНСТРУКЦИЯ КИЛИШ.

№	Наименование работ	Стоимость работ по договору	2022 йил					
			май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь
1	ОБЩЕСТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ	1 607 144 223	-	241 071 633	803 572 111	562 500 478	-	-
	Итого:	1 607 144 223	-	241 071 633	803 572 111	562 500 478	-	-



"Заказчик"



"Исполнитель"

"IMKON-SUG'URTA"

Aksiyadorlik jamiyati



Акционерное общество

"IMKON-SUG'URTA"

Р/с 2020-8000 3050 6231 4001 в АКИБ «ИПОТЕКА-БАНК» МФО 00937, ИНН 306317501, ОКЭД 65120, г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, проспект Мустакиллия, дом-17.
Телефон: (+998 71) 207 48 84, info@imkonsugurta.uz, www.imkonsugurta.uz

КУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУГУРТАЛАШ БЎЙИЧА
13-099/0001801-001- СОНЛИ СУГУРТА ПОЛИСИ

1. СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:	«TERMO SERVIS INTEL» Х/К		
2. СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИНИНГ МАНЗИЛИ:	ФАРГОНА ШАХАР МАЪРИФАТ КУЧАСИ 34 В УЙ		
3. БУЮРТМАЧИ:	ФАРГОНА ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ «КАПИТАЛ КУРИЛИШ СОХАСИДА БУЮРМАЧИ ХИЗМАТИ»		
4. КУРИЛИШ ОБЪЕКТИ:	"КУШТЕПА ТУМАНИ ЛАНГАР МФЙ МИРОБОД КУЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН ХТМФМТТЕВ ТАСАРРУФИДАГИ 24-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ФИЛИАЛИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ КИЛИШ»		
5. КУРИЛИШ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАНЗИЛ:	КУШТЕПА ТУМАНИ		
6. КУРИЛИШ БАҲОСИ:	1 397 516 715,00 СУМ		
7. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ:	16.06.2022 ЙИЛ ДАН		31.12.2022 ЙИЛГАЧА
		сана	
8. СУГУРТА ПОЛИСИ МУДДАТИ:	17.06.2022 ЙИЛДАН		31.12.2022 ЙИЛГАЧА
	Иккала сана ҳисобга олинади		
9. СУГУРТА ПУЛИ:	1 118 013 372,00 СУМ		
Шу жумладан:	Моддий зарар	1 118 013 372,00 СУМ	
	Жавобгарлик		
10. СУГУРТАЛАНГАН ҚАЛТИСЛИКЛАР:	Хар қандай қўтилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натijasида сугурталанган мулкнинг шикастланишига ёки ноҳуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни енгин, чақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қўлаши, ўз-ўзидан ёниши, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қурурларнинг ерилиши, бўрон, довул, zilзила, сел, кўчки, тупроқнинг қўқилиши, ўтирилиши, қўлаши, қисқа тўташув, артикчи кучланиши, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қўлаб тулиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларнинг онгсиз равишда қўлашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши.		
ФРАНШИЗА:	0%		
11. ЖАМИ СУГУРТА МУКОФОТИ:	1 198 013,00 СУМ		
12. ТЎЛАНГАН СУГУРТА МУКОФОТИ:			
Махсус шартлар: Сугурта шартномаси шартларига мувофиқ сугурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланса, Сугурта шартномаси (Сугурталовчининг мажбуриятлари) келишилган сугурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради. "IMKON-SUG'URTA" АЖ мажбурияти 2022 йил 17-июндан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача соат 24.00 гача амал қилади. (иккала санани ичига олиб).			
Сугурталовчи номидан			
"IMKON-SUG'URTA" АЖ			
Фаргона вилоят филиали директори:	Э.А.Муратов		
	Берилган санаси:		
16.06.2022 й			

ИС 0267567

**13-099/0001801-001 -СОНЛИ
ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

2022 йил «16» июн

Фаргона шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 февралда берилган 00042-сонли Лицензия асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида «**Суғурталовчи**» деб аталувчи «**IMKON-SUG’URTA**» АЖ номидан 2022 йил 16 июнда берилган № 74-сонли ишончнома асосида иш юритувчи **Э.А.Муратов** бир томондан ва қуйида «**Суғурта қилдирувчи**» деб аталувчи “**Termo Servis Intel**” Х/К номидан низом асосида иш юритувчи **И.Комилов** иккинчи томондан, биргаликда «**Томонлар**» ва алоҳида «**Томон**» деб аталиб, ушбу мол-мулкни суғурталаш шартномасини (қуйида «**Шартнома**» деб аталади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг Суғурта ходисаси туфайли йўқотилиши ёки шикастланиши натижасида кўрган зарарини қуйидаги қалтисликлардан суғурта қилади:

- Ҳар қандай қутилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ходисалар натижасида суғурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнғин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, кулаш, қиска туташув, ортикча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуксонли материаллар ва конструкцияларни қурилиш қоидаларига амал қилмаган ҳолда қўллашдан кўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

1.2. Суғурта қилдирувчи мазкур шартномага асосан белгиланган Суғурта мукофотини тўлагандан сўнг, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта товонини тўлаб бериш юзасидан моддий зарар ва жавобгарлик бўйича мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ:

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс – «**IMKON-SUG’URTA**» АЖ;

Суғурта қилдирувчи – Суғурта шартномасига асосан ўз мулкий манфаатларини ёки учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суғурталайдиган томон;

Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини олиш учун белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Суғурта шартномаси - ёзма келишув бўлиб, унга кўра суғурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суғурта ходисаси) содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади;

Суғурта қиймати – махсус техниканинг сотувдаги ёки баҳоловчи эксперт томонидан баҳоланган ҳақиқий бозор нархи;

Суғурта пули – Суғурталовчи унинг доирасида суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи билан келишуви орқали белгиланади;

Суғурта полиси - Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суғурта килдирувчига унинг суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашдан кейин бериладиган ҳужжат;

Суғурта мукофоти (бадали) – Суғурта килдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурталаш учун тўлов;

Суғурта даври - суғурталовчи суғурта шартномаси амалда бўлган даврда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган давр.

Суғурта товони – суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанган мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун суғурта пули чегарасида тўланадиган пул маблағ;

Суғурта тарифи – суғурта мукофотининг суғурта пулига нисбатан меъёрланган миқдори, бу мулк пул кўринишида ёки суғурта пулидан фоизларда аниқланади;

Шартсиз франшиза - зарарнинг маълум миқдори бўлиб, унинг чегарасида Суғурталовчининг жавобгарлиги юзага келмайди ва зарарларни қоплашга доир талабларни кўриб чиқмайди. Зарар миқдори шартсиз франшиза чегарасидан ортиқ бўлган тақдирда, шартсиз франшиза суммаси зарар суммасидан чегириб қолинади;

Форс мажор - фавқулодда олдиндан кўрилмаган характерда бўлиб, томонларнинг мажбуриятларини қабул қилгандан кейин келиб чиқади ҳамда уларнинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмай, ақлий тадбирлар билан унинг олдини олиб бўлмайдиган ҳолат.

3. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

3.1. Қурилатган объект тўлиқ қийматининг ____ фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилатган йилда барпо этилатган объект қийматининг бир қисми томонларнинг келишувига кўра суғурта пули бўлади.

Қурилиш объектнинг номи		“Қуштепа тумани Лангар МФЙ Миробод кучасида жойлашган ХТМФМТТЕВ тасарруфидаги 24-сонли умумтаълим мактаби филиалини реконструкциясини қилиш”		
Қурилиш объектнинг баҳоси		1 397 516 715,00 сўм	x 80 % =	1 118 013 372,00 сўм
Моддий зарар	Суғурта пули	Шартсиз франшиза	Тариф	Суғурта мукофоти
Суғурта предметлар: қурилиш ишлари (охирги ва тахминий, бунинг учун фойдаланиладиган материалларни ҳисобга олиб), келишилган қурилиш баҳоси, Буюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ва қурилиш асбоб ускуналари, илова қилинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (суғурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) харажатлар.	1 118 013 372,00 сўм	%	0,10 %	1 198 013,00 сўм
Жавобгарлик	Суғурта пули	Шартсиз франшиза	Тариф	Суғурта мукофоти
Хавф	_____сўм	_____ %	_____ %	_____сўм
1. Тана шикастланиши, жами	_____сўм			
Шу жумладан бир киши учун	_____сўм			

2	Моддий зарар, жами	сўм	%		
	Моддий зарар ҳар бир киши учун	сўм	%		
Умумий суғурта пули:		1 198 013 372,00 (бир миллиард бир юз туксон саккиз миллион ун уч минг уч юз етмиш икки) сўм.			
Умумий суғурта мукофоти:		1 198 013,00 (бир миллион бир юз туксон саккиз минг ун уч) сўм.			

Мазкур Шартнома бўйича барча ҳисоботлар сўмда олиб борилади. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан бир вақтда тўлик тўланади.

3.2. Қурилиш объекти суғурта қилдирувчига ва суғурталаш унинг фойдасига тузилган шахсага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда суғурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган суғурта тўловининг бир қисми суғурталовчи томонидан қайтарилиши мумкин.

3.3. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгари тугаса суғурта тўлови қайтарилмайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУҒУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг ёзма равишдаги Аризасига асосан Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўрталарида тузилди.

4.2. Мазкур шартнома бўйича Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурталанган мол-мулк қурилиш майдонида туширилган кундан бошланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти ўз вақтида тўланганда ва бевосита қурилиш майдонида иш ёки юк тушириш ишлари бошлангандан кейин шартномада кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб кучга киради.

4.3. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофоти ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошланади.

4.4. Суғурталовчининг жавобгарлиги қурилиш, монтаж қилиш, асбоб ускуналарни бўш ва иш ҳолатида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ва объектни фойдаланишга топшириш пайтида, бироқ суғурта полисида кўрсатилган санадан кечикмай тамом бўлади.

4.5. Суғурта шартномаси асосан Суғурталовчининг ҳисоб-рақамига Суғурта мукофоти тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида Суғурта полиси берилади.

4.6. Суғурта полиси Суғурта шартномасининг амал қилиш муддатигача берилади.

4.7. Суғурта қилдирувчи Суғурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта полисини кўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилган Суғурта полиси бекор қилинади.

4.8. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) ҳар қандай ҳолатда ўзгартирилиши, ўзгартиришлар қиритилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

4.9. Суғурталовчининг фаолияти тугатилган ҳолда, Суғурта шартномасининг амал қилиши ҳам тўхтатилади. Суғурта шартномасига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг қонунчилик асосида белгиланган ҳуқуқий ворисига ўтади.

4.10. Суғурталовчи Суғурта шартномасининг қўшимча Суғурта шартлари шартномасида белгиланган фойдаланиши мумкин.

5. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

5.1. Мазкур шартномага асосан қурилиш майдонида қутилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натижасида суғурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнғин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, кулаш, қиска туташув, ортикча кучланиш, электр ёйлари,

машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши Суғурта ходисаси ҳисобланади.

5.2. Қуйидагилар Суғурта ходисаси ҳисобланмайди:

5.2.1. ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларни оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлари, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирон бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;

5.2.2. ядро портлаш, радиация ва радиоктив заҳарланиш;

5.2.3. Суғурта қилдирувчининг, фойдасига суғурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг қасддан қилган ҳаракати ёки қўпол эҳтиётсизлиги;

5.2.4. Суғурта қилдирувчи фойдасига суғурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига суғурта ходисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

5.2.5. лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;

5.2.6. айрим буюмларнинг коррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ходисалар келтириб чиқарган бахтсиз ходисалар натижасида бошқа суғурта қилинган буюмлар шикастланишидан қўрилган зарарнинг ўрни қопланади;

5.2.7. лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;

5.2.8. қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

5.3. Суғурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

5.4. Ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металлар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар суғурта билан қопланмайди.

5.5. Моддий зарар бўйича тўланмайдиган ҳолатлар:

- ҳар бир суғурта ходисасига алоҳида Суғурта қилдирувчи олиб борадиган зарар миқдори учун шартномада кўрсатилган франшизага;

- ҳар хил хусусиятга эга бўлган жаримадан бошлаб, шартнома талабларининг бузилиши, бекор қилиниши, тўловни кечиктиришда келиб чиққан зарарларга;

- нотўғри лойиҳалаштириш натижасида бузилган жойга ва зарарларга;

- қурилиш ишларини бажаришдаги хатоликларни ёки нуқсонли хом-ашёни бартараф этиш ёки таъмирлаш ёки созлаш ишларига, алмаштиришга кетган харажатларга;

- одатдаги об-ҳаво шароити таъсирида ёки фойдаланмаганлик натижасида эскириши, коррозияга учраши, оксидланишида баҳосини тушишига;

- қурилиш майдонида қурилиш машиналарини ва асбоб-ускуналарини механик ва электр бузилишлар натижасида бузилиши, издан чиқиши, мойлаш-совутиш суюқликларини музлаши, нуқсонли мойлаш ёки ёнилғи-мойлаш хом ашёларини ва совутиш суюқликларини оқиб чиқиб кетиши, агарда бундай бузилишлар бахтсиз ходиса туфайли бузилган ҳисобланиб қўшимча шикастланиш келтириб чиқарган бўлса бу зарар қопланади;

- папка ҳужжатлари билан, чизмалар, қоғозлар, пуллар, ҳисоб варақалар, маркаларни ҳар хил тури, қарз мажбурияти тўғрисидаги ҳужжатлар, қимматли қоғозлар ёки чеклар, банкнотларга зарар етиши ёки нобуд бўлишига;

- хатлов пайтида аниқланган зарарлар ёки шикастланишларга.

5.6. Жавобгарлик бўйича Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига қуйидаги ҳолларда келтирилган зарарларга жавобгарлик олиб бормайди:

а) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ суғурталанган қурилиш ишлари билан шуғулланувчи пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларининг касалланиши ёки танаси шикастланишига;

б) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ суғурталанган қурилиш ишлари олиб бориш топширилган пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмалар уларнинг бошчилигида назоратда ёки сакловида турган мулкларига ёки ишчи ва хизматчиларига;

в) йўлларда фойдаланишга рухсат берилган транспорт воситалари ёки сузувчи воситалар ёки самолётлар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисаларга;

г) келишмасдан олдин бор жавобгарликдан ташқари йўл қўйилиши мумкин бўлган ихтиёрий тартибда Суғурта қилдирувчи қабул қилган тоовон тўлаш бўйича мажбуриятлар ёки бошқа турдаги компенсацияларга.

6. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Моддий зарар бўйича Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўзаро қайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг қисмига суғурта муддати давомида Суғурта ҳодисаси натижасида қутилмаганда ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган ҳолатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурият келтириб чиқарадиган моддий зарарни ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қоплаб беради, бироқ жами ҳар бир суғурта ҳодисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда қоплаб беради.

6.2.1 Жавобгарлик бўйича мазкур Шартнома доирасида зарар ёки шикастланиш қуйидаги тартибда қопланади:

а) суғурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги ҳолатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш харажатлари бўйича қопланади;

б) суғурталанган мулкларнинг шикастланиши оқибатида тўлиқ нобуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва қўшимча шартларига риоя қилиш шarti билан мулкни ҳақиқий баҳоси билан бироқ кўрсатилган суғурта пули миқдорида қоплаб берилади.

Суғурталовчи таъмирлаш ишлари қилинганлиги ёки шикастланган қисмини алмаштирилганлиги ҳақида ҳужжатлар ёки зарур ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим қилинганда сўнг зарарни қоплаб беради.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган харажатлар суғурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш “б” кичик бандидаги шартлар тартибда амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охириги таъмирлашни охириги қисми ҳисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами харажатлар ошиб кетмаса, Суғурталовчи тахминий таъмирлаш ишларига харажатларни қоплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, қўшимчаларга ёки янгилликларга алоқадор харажатларга қоплама тўланмайди.

6.2.2. Суғурталовчи жавобгарлик бўйича Суғурта қилдирувчига юқори даражада шартномада қайд этилган Суғурта пули чегарасида, яъни Суғурта қилдирувчи фуқаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

а) бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);

б) суғурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу бахтсиз ҳодиса моддий зарар бўйича суғурталанган қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда қурилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнгинасида рўй берса қоплаб берилади.

6.3. Суғурта ходисаси бошланганда Суғурта қилдирувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, суғурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришнинг имкони бўлган барча чораларини кўриши ва 7 календарь кундан кечикмай суғурталовчини содир бўлган ходисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.4. Суғурта қилдирувчи, Суғурта ходисаси юз берганда Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Суғурта ходисаси тўғрисида хабарнома;
- Суғурта полиси;
- Суғурта ходисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Суғурта ходисаси натижасида зарарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ходисасига оид бошқа маълумотлар.

6.5. Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Суғурта қилдирувчининг ва суғурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

6.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиш жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттирадилар.

6.7. Тузилган маълумотномалар Суғурта ходисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва маълумотномалар асосида Суғурта товони тўланмайди.

6.8. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

6.9. Суғурта қилдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан Суғурта ходисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Суғурта ходисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ходиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чиқиш, харид қилиши ва Суғурталовчига тақдим этиши шарт.

6.10. Суғурта қилдирувчи Суғурта ходисаси содир бўлганда зарарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металлломга топшириш ёки бировга бериш, ёкиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Суғурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

6.11. Суғурта товони ҳақиқий етказилган зарар миқдорида, агар Суғурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Суғурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

6.12. Суғурта пули объект баҳосидан кам қилиб белгиланганлиги учун Суғурталовчи Суғурта ходисаси юз берганда Суғурта қилдирувчига у кўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Суғурта пулининг объект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

6.13. Суғурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида тўлаб берилади.

6.14. Суғурта товони мазкур Суғурта шартномасига асосан ҳисоб рақамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.15. Суғурта ходисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Суғурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Суғурта қилдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Суғурта товони тўлаб берилади.

7. СУБРОГАЦИЯ

7.1. Суғурта қилдирувчининг Суғурта ходисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳукуки тўланган сумма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддасига асосан Суғурталовчига ўтади. Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳукуки унинг томонидан Суғурта қилдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

7.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳукукини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

7.3. Суғурта килдирувчи, Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи Суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва ортиқча тўланган Суғурта товонини қайтарилишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- суғурталанган қурилиш объектининг ҳолатини, шароитини Суғурта шартномасини тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Суғурта ҳодисаси содир бўлганда текшириш;
- Суғурта килдирувчи Суғурта шартномаси шартларини бажармаганда, Суғурта шартномасини бекор қилиш;
- мазкур шартнома ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Суғурта товонини тўлашни рад этиш;
- суғурталанган қурилиш объектида содир бўлган ҳодиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Суғурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;
- Суғурта товони миқдорини аниқлаш учун Суғурта килдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, экспертлар хулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;
- Суғурта килдирувчининг тақдим этган ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;
- Суғурта килдирувчи олдидаги Суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганида, Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;
- Суғурта сюрвейери ҳамда Суғурта ҳодисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

8.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- Суғурта полисини мазкур Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта килдирувчига ёзиб бериш;
- Суғурталанган қурилиш объектида Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичида жойига чиқиб етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;
- Суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанган қурилиш объектидаги етказилган зарар бўйича Суғурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

8.3. Суғурта килдирувчининг ҳуқуқи:

- мазкур Суғурта шартномасида қилишилган шартлар асосида Суғурта полисини Суғурталовчидан олиш;
- мазкур Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида шартномага доир саволларга Суғурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;
- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўрсатилган тартибда Суғурта товонини олиш.

8.4. Суғурта килдирувчининг мажбуриятлари:

Суғурта килдирувчи жавобгарликдан ташқари ўз ҳисобидан барча оқилона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, зарарларни бартараф этиш бўйича Суғурталовчи берган барча зарур тавсияларга риоя қилиши, шунингдек қурилиш коида ва меъёрлари талабларига, асбоб ускуналар тайёрлаш тавсияларига амал қилиши;

Қурилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнғинга қарши қуйидаги чораларга тегишли махсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

- керакли миқдордаги ишчилар ёнғинга қарши асбоб ускуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнғин бўлганда тезкор ҳаракатга тайёр туриши;
- тегишли ёнғинга қарши асбоб ускуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;

- объектда иш бошланганда барча ёнгинга қарши кўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;

- тезда ўт оловчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишда битта ўқиган ишчи ёнгин билан кураш учун шай тургандагина йўл қўйиши;

- барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегишли қондалар ва меъёrlар талаби доирасида сақлаши;

- энг яқин ўт ўчириш бригадаси мазкур ҳудуд билан таништириш ва ҳоҳлаган пайтда шу ҳудудга эркин кириши учун рухсат бериши;

- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат қилиши;

Ҳодиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламокчи бўлганда Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- Суғурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги миқдорини ёзма равишда 7 календар кунда хабар қилиши;

- зарарларни камайтиришга мавжуд барча чораларни кўриши;

- зарарланган қисмни сақлаб қўйиш ва Суғурталовчининг вакилига ёки экспертга кўрикдан ўтказиш учун тақдим қилиши;

- Суғурталовчига рўй берган ҳодисага тааллуқли барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши;

- қулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар кўрилганда содир бўлган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериши;

- мазкур Суғурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;

- белгиланган муддатларда Суғурта мукофотини тўлаши;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Суғурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиши;

- Суғурта қилдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши;

- Суғурта ҳодисаси рўй берганда зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Суғурталовчини таъминлаши;

- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Суғурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериши;

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металлломга бериш ва хоказоларни) ишларини Суғурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Мазкур Суғурта шартномасининг шартларини бажармаганлик ёки керакли даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида белгиланган жавобгарликни тенг даражада олиб борадилар.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

10.1. Мазкур Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча бахс ва мунозаралар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади. Келишиш имкони бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги асосида хўжалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур Шартнома бўйича томонлар Шартноманинг иловаларини ва унга тегишли хужжатларни учинчи тарафга томонларнинг ёзма розилигисиз бермайди ва ушбу Шартномага тегишли бўлган барча маълумотларни сир саклайдилар.

11.2. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта килдирувчида битта нусхадан сакланади ва уларнинг ҳар бири бир хил ҳукукий кучга эга.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Суғурталовчи”

«IMKON-SUG'URTA» АЖ

Манзил:

тел:

б/раками:

2020 8000 3050 6231 4001 да

Банк коди 00937 СТИР 306 317 501

ХХТУТ

Суғурталовчи номидан

“IMKON-SUG'URTA” АЖ Фаргона

вилоят филиали

директор



Э.А.Муратов
М.Ў.

“Суғурта килдирувчи”

Термо Сервис Интел” Ж/К

Фарғона ш. Марйорат 34 б
х/р 20208000404568244001
Мадаг Инвест Банк
МРО 01042
СТИР 300131557.

Раъбар

